



ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИ РЕГИОНАЛ -ЛАНДШАФТ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Д.Абдураҳмонов

ФарДУ

Фарғона водийсини районлаштириш ва ландшафт таҳлили масалалари 50 йилларнинг охирларидан жадал суратлар билан ишлаб чиқарила бошланди. Бироқ дифференциациянинг муҳим ички хусусиятлари кўрсатилган, водийни ўраб турувчи худудлар фонидаги комплекс қиёсий-географик тавсифи Ўрта Осиё табиатининг энг яхши билимдонлари В.М.Четиркин (1943, 1960), Л.Н.Бабушкин (1954) ва бошқа асарларида учрайди [1, 2].

Мисол учун ўлканинг тадқиқотчиларидан бири Р.И.Аболиннинг “Ўрта Осиёни районлаштиришнинг табиий-тарихий асослари” асарида ландшафтларнинг асосий бирикмаларига қараб, ўзининг “Туркистон округи” доирасида 13 та табиий районларни ажратади, улардан иккитаси – Кўқон ва Шарқий Фарғона тўлиқ водийда жойлашган бўлса, Ғарбий Тяньшань районининг бир қисми водийни ўраб турган тоғлардан иборат. Олимнинг фикрича, баъзи жиҳатларни янада деталлаштириш, бу районларни кичик районларга ва ўз ўрнида уларни ҳам минтақаларга ва участкаларга бўлиш имконини беради. “Ўсимликлар ассоциациялари бўйича ҳар бир участка чегарасида табиий ёки маданий ландшафтларнинг асосий элементлари белгиланиши мумкин, масалан: Кўноқ ўтлоқ даштлар, буғдойиқ ҳар хил ўтли даштлар, мевали ўрмонлар, наъматак чангальзорлари, қамишзор, тўқайзорлар ва ҳ.к.” [1, 2, 3].

Ёрқин ва аниқ қиёсий-географик тавсифлар устаси академик Л.С.Берг: “Бепоён Фарғона водийси (ёки товоқсой, кўпинча уни водий деб нотўғри аташади)нинг узунлиги 300 км ва эни 150 км. Хўжанд ёнидан (мутлоқ баландлиги 320 м.) пастликка кириш қисмининг эни 9 м. Пастликнинг туби 350-500 м. мутлоқ баландликда” - деб ёзган эди. Фарғона товоқсойининг атрофи тоғ олдидаги баландликлар ёки адирлар билан ўралган бўлиб, уларнинг мутлоқ баландлиги 1000-1200 м.; улар неоген ва қуий тўртламчи давр чўкиндиларидан иборат, устки қисми эса соз тупроқ билан қопланган [3, 4].

Олой ва Туркистон тизмаларининг шимолий ёнбағридан Фарғона товоқсойига тушувчи қитъага оид қуруқ дельталар жуда ажойиб. Бу дарёлар – уларнинг йириклари Сўх ва Исфара – Сирдарёгача етиб бормайди, бироқ дельталарнинг шимолий чеккалари Сирдарёнинг қайирларигача етиб боради. Қуруқ дельталарнинг ёши тахминан 100-120 минг йил. Фарғона водийси ўзининг унумдор тупроғи ва юмшоқ иқлими билан Ўзбекистоннинг асосий пахта базаси ҳисобланади. Бу ерда шунингдек, боғдорчилик ва узумчилик ҳам ривожланган” [5, 6].

Ё.П.Коровин ва А.Н.Розановлар ўзларининг Ўрта Осиёни табиий-тарихий районлаштиришга оид илмий асарларида (1938), амалий мақсадлар учун





Фарғона водийсида учта истиқболли табиий-хўжалик: Ғарбий Фарғона, Шимолий Фарғона ва Шарқий Фарғона районлари мавжудлигини асослайди. Муаллифлар ҳар бир районнинг табиий ва хўжалик ҳолатини чуқур таҳдид қилиб, интенсив фойдаланишнинг потенциал ва ақл-идрокка асосланиб ҳудудий ихтисослаштириш имкониятларини аниқлайдилар. Ландшафт асосида районлаштиришнинг кейинги босқичи, Ўрта Осиё экологарининг энг яхши анъаналарини давом эттирган В.М.Четиркиннинг тадқиқотлари билан боғлиқ [5, 6, 7].

Ўзининг 1943 йили ёзилиб, 1958 йилда ротапринтда ва 1960 йили (ўлимидан сўнг) типографик усулида “Ўрта Осиё” номи билан чоп эттирилган “Туронфацияси” монографик тадқиқотида олим, Фарғона водийсининг ички фарқланишларини ҳар томонлама таҳлилга тортди. У “Фарғона провинцияси” таркибида қуйидаги учта кичик провинцияларга ажратиб, ўз навбатида уларни янада майдароқ таксономик бирликларга регионал комплекс (мажмуа)ларга бўлади:

1. Шимолий-Ғарбий Қурама кичик провинцияси.
 - А) Шарқий-Чуст регионал комплекси.
 - Б) Ғарбий-Қорамозор регионал комплекси
2. Шимолий-Шарқий Чотқол-Фарғона кичик провинцияси.
 - Б) Чотқол регионал комплекси.
3. Жанубий-Чапқирғоқ Туркистон-Олой кичик провинцияси.
 - А) Оқбўра-Шохимардон регионал комплекси.
 - Б) Қорадарё регионал комплекси.
 - В) Сўх регионал комплекси.
 - Г) Хўжабоқирғон регионал комплекси.

Районлаштиришнинг ушбу схемаси шуниси билан диққатга сазоворки, унда ҳудудлардаги фарқланишлар нафақат ландшафтлар бўйича, шу билан бирга экологик режимга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Водий ландшафти ҳудудий дифференциациясининг ўзига хос хусусиятлари Э.М.Мурзаевнинг “Ўрта Осиё” китобида ўз аксини топди.

Фарғона водийсини миқдорий, айниқса етакчи омил бўлган иқлим кўрсаткичларини кенг қўллаб табиий-географик районлаштиришни Л.Н.Бабушкин (1954) амалга оширди. У маҳсус Фарғона водийсига мослаб, табиий районлаштириш мажмуаси омилларини ишлаб чиқди. Соҳага оид районлаштиришда асосан водийнинг “доиравий бўлиниш”ини эътиборга олган, ўзидан олдин илмий изланишлар олиб борган кўплаб тадқиқотчилардан фарқли равишда, олим барча таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг ҳудудий дифференциацияси омиллари устун қўяди.

Л.Н.Бабушкиннинг фикрича, водий ландшафтлари ҳудудий дифференциациясининг етакчи омиллари “бир қатор табиий-географик жараёнлар: юза қисмдаги сувларнинг оқиб тушиши, тупроқлар характери,





ўсимликларнинг ривожланиши, нураш ҳодисалари ва б."дир (Бабушкин, 1954, 286-б.). Иқлимий, гидрологик, тупроққа оид ва ботаник кўрсаткичларни таҳлил қилган Бабушкин, водийни қуийдагилар етти табиий районларга бўлади: Қорамозор, Чотқол, Фарғона, Шарқий Олой, Фарбий Олой, Туркистон, Марказий текисликлар. Шундан кейин бу барча районларнинг муфассал тавсифи келтирилади [11].


1960 йиллардан бошлаб Фарғона водийсини комплекс табиий-географик ўрганиш, районлаштириш ва ландшафт хариталаш масалалари билан ёш ўзбек географларидан А.Абдулқосимов (1963, 1964), Ю.Султонов (1965), М.Қўзибоев (1966) ва б. маҳсус шуғулландилар ва олиб борилган тадқиқотларини ўзларининг номзодлик диссертацияларига асос қилиб олдилар. Водийни ландшафт-типологик хариталаш асосида энг мукаммал ва батафсил табиий-географик районлаштириш, Ўрта Осиёning етакчи географ-ландшафтшунослари Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когайлар томонидан амалга оширилган. Улар Фарғона водийсини Турон табиий-географик провинциясининг тоғолди тоғ округлари қаторида ўргандилар.

Ушбу муаллифлар, текисликлар тоғ ҳошиялари билан бирга ягона гуографик бутунликни ташкил қиласиди, уларни водийнинг тоғли ва текислик қисмларининг динамик боғлиқлиги ва функционал яхлитлиги бирлаштиради, шу сабабли улар систем ҳосилалардир, деган геопар (геодиад) назарияси моҳиятини очиб беришга жуда яқин келдилар. Округ чегарасида табиий-географик шароитлар бир жойдан бошқа жойга кўчганда жуда жиддий ўзгаради, бу Фарғона табиий-географик округини олтита, яъни: Фарбий Олой, Марказий текислик, Гавасой, Чотқол, Фарғона ва Шарқий Олой районларига ажратиш учун асос бўлади [7, 8]. Улар типологик асосда ажратилган тизим нуқтаи назаридан ландшафтлардан иборат бўлиб, Фарғона водийсида уларнинг сони 40 га яқин. Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когайларнинг илмий ишида округдаги барча ландшафтларга уларнинг қишлоқ хўжалигидағи имконият (потенциал)лари, районда улар эгаллаган майдонларнинг фоизи кўрсатилган қисқа ва аниқ комплекс тавсиф берилган [9,10].

Шундай қилиб, Фарғона водийсини комплекс табиий районлаштириш, табиий шароит ва табиий заҳиралар дифференциацияси масаласини ҳал қилишни мантиқий яқунлашда муҳим қадам ҳисобланиб, муаллифларнинг регионал-ландшафтшунослик концепцияси илмий жамоатчилик томонидан тан олинди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулқосимов А.А. Физико-географические районы Ферганской котловины // Научн.зап.Воронеж.Отд.Геогр.общ СССР-Воронеж, 1963.





2. Аболин Р.И. Основы естественно-исторического районирования советской Средней Азии // Тр. САГУ. Сер. XII-а. География, - 1929-Вып. 2.
3. Бабушкин Л.Н. Физико-географические районы // Ферганская долина. – Ташкент, 1954. –Т. 1:
4. Мурзаев Э.М. Схема физико-географического районирования Средней Азии // Изв. АНССР, 1953 – Сер.географ. - № 6.
5. Обидов У. Фарғона водийси табиатини географик ўрганиш (эр.ав. ва эрамизнинг XX аср 1-ярми). Фарғона, 2012.
6. Султанов Ю. Природные условия и физико-географической районирование южного черного обрамления Ферганы: Дисс.канд.геог. Наук. – Киев. 1965.
7. Abduganiyev Olimjon Isomiddinovich., Dekhkanbaeva Mavlyuda Nosirjonovna, & Karimkulova Dilafruz Bakhromjon kyzzy. (2022). Tourism Potential of Protected Natural Areas and Problems of Its Use. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 9, 162–166. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/tjm/article/view/2027>
MORE CITATION FORMATS.
8. Abduganiyev O., Obidjonov U., Mominova S. BIOLOGICAL DIVERSITY AND PROBLEMS OF ITS CONSERVATION (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA VALLEY) //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 1108-1114.
9. Isomiddinovich A. O. Comparative analysis of the protected natural territories of the Republic of Uzbekistan and the international Union of nature protection //European science review. – 2018. – №. 9-10-1. – С. 67-70.
10. Абдуганиев О. И., Махкамов Э. Г. Географические особенности организации туристско-рекреационной деятельности в охраняемых природных территорий //Экономика и социум. – 2019. – №. 9. – С. 383-390.
11. АҲМАДАЛИЕВ Ю. И., КОМИЛОВА Н. Ў. ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ. – 2020.
12. Ahmadaliyev Y. I. et al. Geoecological and Farm Stress Level (on the Example of Khojaabad District) //Academicia Globe: Inderscience Research. – 2021. – Т. 2. – №. 04. – С. 169-174.

